

bugun qonunlarimizning kishilar taqdirida aks etishi, ularni jamiyatning faol a'zosiga aylantirishdagi roli haqida fikr yuritish muhimroq

Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda fuqarolik tuyg'usi, bag'rikenglik, qonunlarga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida, zararli ta'sirlar va oqimlarga qarshi tura oladigan, hayotga bo'lgan qat'iy ishonch va qarashlarga ega bo'lib, kelgusida vatan koriga yaraydigan, fidoyi inson bo'lib yetishishlari kerakligi muxim masaladir.

Yoshlar o'rtasida huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishda, eng avvalo, ta'lim-tarbiyaning tizimli va uzviy ravishda olib borilishiga alohida e'tibor qaratish, maktabgacha ta'lim tizimidan boshlab, aholining barcha qatlamlariga huquqiy ong va huquqiy madaniyatni chuqur singdirish g'oyalari keng targ'ib qilish kerak.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/038>

ЮРТИМИЗДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Юлдашев Шерали Нуралиевич,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жамоат хавфсизлигини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси

Инсон қадрини улуғлаш борасида олиб борилаётган кенг ислохатлар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизimli ишлар, мамлакатимиз тарақиётини янги босқичларга кўтараётган бир

шароитда, айрим ижтимоий муаммолар гирдоби ҳам кескинлашмоқда. Жумладан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунги авлод эътибор қаратиш керак бўлган йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган, ҳуқуқий – демократик давлатлари сафида ўрин олишига интиларкан, ютуқларни ўзлаштириш, оламшумул муваффақиятларга эришиш йўлидан борар экан, бола ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, уларга таълим тарбия бериш шулар жумласидандир.

Буюк ватандошимиз Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждуддин ал-Уструшаний XIII асрда яратган “Жомиъ аҳком ас-сиғор” (Бола ҳуқуқлари кодекси) асари жаҳон тарихидаги болалар ҳуқуқи бўйича дастлабки мукамал ҳуқуқий манба ҳисобланади. Унда болалар, хусусан етим болалар ҳуқуқлари, болалик ва оталикни белгилаш, бола тарбияси, боланинг ота-онаси олдидаги бурч ва мажбуриятлар каби масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, ислом ҳуқуқи асосида қандай ечимлар мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Бола ҳуқуқлари масаласига тамал тоши айнан тарихий Моварауннаҳр-бугунги Ўзбекистонда қўйилгани ҳамда ислом ҳуқуқшунослигида Ғарб цивилизациясидан қарийб олти юз йил аввал болалар ҳуқуқининг тўла-тўқис ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ этилганидан дарак беради.

“Жомиъ аҳком ас-сиғор” асари бундан 800 йил аввал дунё тарихида бола ҳуқуқларига бағишлаб ёзилган илк ҳуқуқий манба эканилигини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай нодир асар олис

тарихда ҳам юртимизда забардаст уламолар ва фикҳшунос олимларнинг турли ҳуқуқий йўналишлар қаторида бола ҳуқуқларига, шу жумладан, унинг тизими, моҳияти, манбалари ва ривожланиш босқичлари мукамал ўрганилганлигини, ўша даврларда ҳам шу заминда яшаган инсонлар, болаларга алоҳида эътибор қаратганлигини яққол тасдиқлайди.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшиланиши, иш билан таъминланиши, ижтимоий ҳимоя чораларини кўрилиши, бола савдоси ҳодисасини олдини олувчи энг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига энг муҳим вазифалар сифатида қараб, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланганлиги аҳоли турмуш даражаси ошишига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганлигидан далолатдир⁴².

Юртимизда бола ҳуқуқларини таъминланиш масаласи, мустақилликни илк йилларидан тартибга солина бошланди. Бола камолотига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилди ва бугунги кунда ҳам бу ишлар тўхтагани йўқ албатта.

Юртимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича жуда кўплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. Тошкент, 2017й. 22.12. www.uza.uz

қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган десак ҳеч муболага бўлмайди. Жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсат тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғи сақлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги, “Одам савдоси тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар орқали таъминланади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция⁴³ (БМТнинг Бош Ассамблеяси 1989 йил 20 ноябрдаги 44-сессиясида қабул қилинган, 1990 йил 2 сентябрь куни кучга кирган.) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ратификация қилган энг биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳисобланади. Ўзбекистон 1992 йилда мазкур Конвенцияга қўшилиб⁴⁴ (1994 йил 29 июлдан кучга кирган), бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, Конвенция қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар ҳам тақдим этиб туради.

⁴³ Конвенция о правах ребенка. URL:<https://lex.uz/docs/2595909>.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги мувофиқ қўшилган. <http://old.lex.uz/docs/-135679>

Шуни таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида катта ишларни амалга оширилмоқда. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция БМТнинг болаликни муҳофазалаш бобидаги энг универсал ҳужжат ҳисобланади. Унда мустаҳкамлаб қўйилган бола ҳуқуқ ва манфаатларининг барча қирраларини “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида⁴⁵”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қамраб олган.

Асосий Қомусимизнинг учта моддасида “бола”, “вояга етмаган” “фарзанд” термини киритилган. Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар, ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолияти рағбатлантирилиши, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида

⁴⁵ Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
URL: <https://www.lex.uz/acts/1297315>.

тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этиб қўйилган⁴⁶.

Юртимизда вояга етмаган (бола) ларнинг ҳуқуқларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган вақтдан бошланди. Асосий Қомусимизнинг муқаддимасида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари устуворлик тамойили белгиланган бўлиб, бу бевосита бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши билан боғлиқдир. Шунингдек, учта моддада “бола”, “вояга етмаган” “фарзанд” термини киритилган. Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолияти рағбатлантирилиши, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этиб қўйилган.

Сўнгги йилларда давлатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида “Инсон кадри учун” деган устувор тамойилни руёбга чиқариш учун тадрижий-амалий ишлар жадал олиб борилмоқда. “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.,-2019.

Стратегияси”да ҳам юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият этиб белгиланди.

Ҳуқуқшунос А.О.Шарофутдиновнинг “Ушбу жиноятларни содир этилиши нафақат бир шахснинг шаъни ва кадр-қимматини поймол қилади, балки у давлатнинг халқаро миқёсда обрў-эътиборига путур етказди”-деган фикри ўринлидир.

Вояга етмаганлар масаласи давлат олиб бораётган сиёсатининг алоҳида объектлари ва муайян йўналтирилган таъсир доираларидан бири сифатида эътироф этилади.

XX асрнинг 90-йиллари, яъни мустақил давлатлар пайдо бўлган илк даврларда одам савдоси авж олиши учун қулай ҳолат ривожланди. Бу каби ҳолатлар ёш давлатимизнинг ҳукумат раҳбарлари, ҳуқуқшуносларнинг олди турган улкан маъсулият эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам таъминловчи ҳуқуқий база яратилди. Бирлашган миллатлар ташкилоти (бундан кейин матнда БМТ) томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги (1989 йил 20 ноябрь) конвенцияси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари орасида Ўзбекистон томонидан (1992 йил 9 декабрь) биринчилардан бўлиб ратификация қилди.

Вояга етмаган(бола)лар савдоси жамиятдаги салбий жараёнларнинг маҳсулидир. Унинг ижтимоий хавфлилиги, ҳодисанинг

вужудга келиши ва содир этилиши сабабларига қарши курашда алоҳида ва самарали тизимини яратиш заруриятидан дарак беради.

Давлатимизда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида, одам савдоси, жумладан вояга етмаган (бола) лар савдосига қарши қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларни тўла қўллаб-қувватлаб, бу борада бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди. Жумладан, давлатимиз томонидан 1991 йил 30 сентябрда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 декабрь); 1995 йил 6 майда “Хотин қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция (1979 йил 18 декабрь) 1995 йил 31 августда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь); 1995 йил 31 августда “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь); 1997 йил 30 августда “Зўрлик ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенция (1930 йил 28 июнь); 1997 йил 30 августда “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги конвенция (1957 йил 25 июнь); 2003 йил 30 августда “БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчилка қарши” конвенцияси (2000 йил 15 ноябрь); 2003 йил 12 декабрда “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (1949 йил 2 декабрь); 2008 йил 8 апрелда “Болалар меҳнатинининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинич чоралар тўғрисида”ги конвенция (1999 йил 17 июнь); 2008 йил 8 июлда “БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка

қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги протоколи (2000 йил 15 ноябрь); 2008 йил 11 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга доир, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май); 2008 йил 12 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга доир, Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол (2000 йил 25 май) ратификация (қўшилиб) қилиб, аҳолини огоҳлантириш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва баратаф қилиш мажбуриятини олди.

Хулоса сифатида шунни айтиш лозимки, бола ҳуқуқларига эътибор глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу борада бола ҳуқуқларини халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.,-2019.
2. Янги Ўзбекистон Стратегияси.-Тошкент.2021.
3. Жомий аҳком ас-сиғор. Ўзбекистон халқаро ислом Академияси.- Тошкент.2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги 757-ХП-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.1993, №1, 41-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Болалар меҳнатинининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисида”ги конвенцияни (Женева 1999 й.17 июнь) ратификация қилиш ҳақида”. 2008 йил 8 апрелдаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 2008, №14-15, 87-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протоколига (2000 йил 25 май) қўшилиш ҳақида”ги 2008 йл 12 декабрдаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2008, №50, 494-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 7 январдаги қонуни//
<https://lex.uz/acts/1297315>.